

ТОЖИКИСТОН ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Нуриддинов Муроджон Илхомович
Мустақил изланувчи: 1-даражали юрист

Аннотация: Мақолада меҳнат миграциясининг халқаро меҳнат бозорида тутган ўрни ва аҳамияти, шу жумладан Тожикистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ундан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган. Таҳқи мөхнат миграциясининг ривожланиши, мамлакатдаги мөхнат миграцияси жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, мөхнат миграциясининг мөхнат бозори билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, Тожикистонда таҳқи мөхнат миграциясининг шаклланиш ва ривожланиш омиллари, унинг демографик жараёнлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиш ҳолати билан боғлиқлиги кўрсатилган. Таҳқи мөхнат миграцияси орқали мамлакатга келиб тушадиган пул жўнатмалари таҳлилини амалга ошириш ва уни аҳоли даромадлари ва турмуш даражасига таъсирини баҳолаш, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш зарурлиги асосланган. Таҳқи мөхнат миграциясини давлат томонидан бошқариш зарурлиги ҳамда халқаро мөхнат миграциясининг донор ва реципиент мамлакатлар учун ижтимоий-иқтисодий таъсири, хусусан аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли очиб берилган.

Калит сўзлар: Тожикистон мөхнат бозори, иқтисодий ривожланиш, мигрантларнинг пул ўтказмалари, мөхнат ресурсларининг тақсимланиши, мөхнат миграцияси жараёнлари, ишсизлик, мөхнат муҳожирларининг трансфери, миграциясининг ижтимоий функцияси.

Тожикистон иқтисодий эркинликларни кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, икки ва кўп томонлама халқаро муносабатларни ривожлантиришга асосланган чет элда мөхнат миграциясини бошқаришнинг самарали шакллари ҳамда усулларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Замонавий миграция жараёнлари нафақат республиканинг ўзида, Тожикистондан миграция оқимини қабул қилувчи мамлакатларда ҳам чуқур ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади. Ўзгаришлар эса мураккаб ва кўп қиррали бўлиши мумкин. Ўз ўрнида бу каби ҳолатлар иқтисодчи, социолог, демограф, тарихчи, психолог, сиёсатшунос ҳамда бошқаларнинг эътиборини тортади. Тожикистондаги миграция жараёни, бошқа Марказий Осиё мамлакатларида бўлгани каби, икки таркибий қисмга эга. Булар русийзабон аҳолининг ҳудуддан чиқиб кетиши ва титул миллат аҳолисининг таҳқи мөхнат миграцияси ўсиши билан боғлиқ.¹

¹. cyberleninka.ru.; 2012.; Миграционная ситуация республики Таджикистан в условиях рынка.; 15.11.2023

Миграция жараёнлари иқтисодий ривожланиш суръатига, тўлов балансига, мамлакат аҳолиси динамикасига, давлатлараро муносабатларга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Халқаро миграция ташкилоти (*XMT*) маълумотига кўра, халқаро мигрантларнинг умумий сони дунё бўйлаб қарийб 272 миллион кишини ташкил этиб, уларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлар ҳисобланади.²

Айтиш мумкинки, 2022 йилда дунё бўйлаб, пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 647 млрд долларидан ошган.³ Жаҳон банкининг Тожикистон молиявий ҳолати юзасидан ишлаб чиқсан ҳисботига кўра, мамлакатга пул ўтказмалари соф оқими иқтисодий ўсишни рағбатлантирган асосий омил бўлиб, 2022 йилда ялпи ички маҳсулот (*ЯИМ*)нинг тарихий кўрсаткичини, 49 фоизини ташкил этган.

Расмий маълумотларга кўра, 2022 йилда республика *ЯИМ* қарийб 116 млрд. сомони (*10,5 млрд доллар*) га етган. Шунга кўра, пул ўтказмалари оқими 5,2 млрд. доллардан ошиб, бу мамлакат учун рекорд кўрсаткич бўлган. Бинобарин, ўтказмаларининг энг юқори оқими муқаддам 2014 йилда қайд етилган бўлиб, тахминан 4,2 млрд. долларга этган. Жаҳон банки эксперталари Тожикистон дунёдаги пул ўтказмаларига энг эҳтиёжманд мамлакатлардан бири бўлиб, Россияда 1 млн.га яқин тожик меҳнат мигрантлари ишлаб келаётганлигини таъкидлашган. Бошқа эксперталар фикри бўйича мигрантлар трансферлари Тожикистонда қашшоқликни камайтиришнинг муҳим манбаи ҳисобланишини айтиб ўтишган.⁴

Тожикистонда содир бўлаётган миграция жараёнлари жамиятнинг деярли барча соҳаларига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Қашшоқлик ҳамда ишсизлик билан боғлиқ муаммолар фонида фуқароларнинг чет элга меҳнат миграцияси Тожикистон аҳолисининг катта қисми учун асосий даромад манбаига айланган. Давлат департаменти маълумотларига кўра, 2023 йил февраль ойи охирида меҳнат, миграция ва бандлик вазирлиги томонидан расман рўйхатдан ўтган ишсиз фуқаролар сони 51,2 минг кишини ташкил этиб, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 фоизга камайган.⁵

Маълумот учун, *XMT* таърифи ва Тожикистон Республикасининг соҳавий Конун ҳамда норматив ҳукуқий ҳужжатларига кўра, ҳозирда иши ёки фойдали касби бўлмаган меҳнаттага лаёқатли ёшдаги ҳар қандай шахс ишсиз деб ҳисобланади.⁶

Ишсизлик даражаси меҳнат бозоридаги вазиятнинг энг кўп ишлатиладиган кўрсаткичи ҳисобланиб, баъзи давлатларда (*масалан, АҚШда*) умумий иқтисодиётнинг ҳолати сифатида ишлатилади ва фонд индексларига таъсир қилиши мумкин. Ишсизлик ҳар бир инсонга тўғридан-тўғри кучли таъсир кўрсатадиган макроиктисодий муаммодир. Кўпчилик учун ишсизлик турмуш даражасининг пасайишини англаатади

². Конун ҳужжатларини тизимлаштириш ва қонунчилик техникаси усулларини жорий этиш (илмий-амалий конференцияси материаллари); 07.04.2021.; Ўзбекистон Республикаси меҳнат миграциясини ташкилий-ҳукуқий тартибга солишга доир муаммо ва ечимлар; 08.11.2023

³. www.imf.org; сентябрь 2023.; Устойчивый уровень денежных переводов.; 14.11.2023

⁴. Asia-plus.; 04.07.2023.; Таджикистан в 2022 году получил рекордно высокий объем денежных переводов.; 13.11.2023

⁵. tj.sputniknews.ru; 11.05.2023.; В Таджикистане сократилась безработица.; 06.11.2023

⁶. asiaplustj.info; 17.01.2019.; Рынок труда, как зеркало таджикской экономики.; 06.11.2023

ва жиддий психологияк шикастланишга олиб келади. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий кескинлик омилига айланиб, жиноятчиликнинг ўсишига ёрдам беради ва ташқи меҳнат миграциясининг катализатори ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг болалар жамгармаси (*UNICEF*) тадқиқоти натижаларига кўра, мигрантлар томонидан ёлғиз қолдириб, кетилган оиласлардаги болалар тажовузкор ва интизомсиз бўлиб, депрессияга мойил бўлиши аниқланган.

Тожик меҳнат миграцияси мавсумий ва қайтиш хусусиятига эга, чунки Тожикистанда оилавий алоқалар тарихан жуда мустаҳкам. Шундай бўлсада, сўнгти йилларда чет элда ишлаётган Тожикистон фуқароларининг қолиш муддати бироз ошган. Тожикистанлик меҳнат мигрантлари учун энг машҳур ва қулай иш жойи Россия бўлиб, тахминан 446 минг мигрант мазкур давлат фуқаролигини олишга эришган. Бугунги кунда Тожикистон умумий мигрантларининг 90 фоиздан ортиғи у ердаги турли тармоқларда меҳнат қилиб келишмоқда. Бироқ, бир давлатга бундай қарамлик бошқаси учун хавф туғдиради, меҳнат мигрантлари мамлакатлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар инқирознинг гаровига айланиши мумкин. Боз устига мигрантларнинг асосий қисмини бошланғич касб-хунарга эга бўлмаган, чет тилларини яхши билмайдиган ва ҳуқуқий саводхонлиги паст бўлган фуқаролар ташкил қиласди. Ушбу омиллар уларнинг борган жойидаги аҳволини сезиларли даражада ёмонлаштиради.⁷

Украинадаги уруш сабаб Россиядаги меҳнат миграцияси таназзули башорат қилинган кўп сонли салбий прогнозларга қарама-қарши ўларақ, у қисқариш ўрнига жадалликнинг олдинги суръатларини ва пул қўчирмалари ҳажмларини сақлаб қолмоқда.⁸

Аҳоли миграциясининг ижтимоий функцияси мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва давлат сиёсати билан белгиланади. Тожикистанда ҳали барқарор макроиқтисодий ривожланиш мавжуд эмас. Ишлаб чиқаришнинг баъзи ўсиши рецессиялар билан бирга келади. Макроиқтисодий ривожланиш бўйича Тожикистон, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (*МДХ*)нинг аксарият мамлакатларидан орта қолмоқда. Янги иш ўринларини яратиш суръати аҳолининг табиий ўсиш суръатларидан сезиларли даражада паст.⁹ Республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати юқори даражада эмаслиги ва корхоналарнинг паст рақобатбардошлиги экспорт имкониятларини чеклайди. Шу сабабли, тожик титул миллати фақат пул топиш учун эмас, салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда янги имкониятлар қидириб, чет мамлакатларга кетмоқда, чунки ўз яшаш ҳудудларида бунинг у ёки бу сабабларга кўра имкони йўқ.

Тожикистон қонунчилигига мувофиқ миграция масалалари борасидаги фаолиятни Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ижтимоий ҳимоя, бандлик ҳамда миграция давлат агентлиги (*ички қўчириши, экологик миграция, қочқинлар, қўчирилганлар*), Чегара

⁷. Доклад НПО.; март 2012.; В Комитет ООН по правам трудящихся-мигрантов о ходе выполнения Республикой Таджикистан Международной конвенции о защите прав всех трудящихся – мигрантов и членов их семей.; 02.11.2023

⁸[www.uzanalytics.com;03.05.2023.](http://www.uzanalytics.com;03.05.2023;); Марказий Осиёдаги меҳнат сафарбарлиги ва дунёдаги жуғрофий-сиёсий ўзгаришларнинг гендер роллари ва қишлоқ хўжалигига таъсири.; 16.11.2023

⁹. cyberleninka.ru.; 01.05.2023.; Миграционные особенности стран Центральной Азии. (Аналитический обзор); 16.11.2023

назорати, Хусусий бандлик агентликлари, Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширади.¹⁰

Мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш ва фаолиятни такомиллаштириш мақсадида 1999 йилнинг 11 декабрь куни миграциянинг ички ва ташқи ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий асосини белгилаш ҳамда миграция жараёнларини тартибга солиш борасидаги Тожикистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги 881-сони Қонуни қабул қилинган. Шу билан биргаликда, давлат миграция сиёсати йўналишидаги Концепцияси тасдиқланиб, 2000 йилдан бошлаб Ички ишлар органларида мамлакатдан ташқарига ишлаш учун кетган фуқаролар ва Тожикистонда жойлашган чет эллик ишчилар устидан ҳар ярим йилда оралиқ ҳисбот шаклларидан фойдаланган ҳолда статистик мониторинг олиб бориш йўлга қўйилди (*2005 йилгача Меҳнат вазирлигининг миграция хизмати маълумотлари олинган*). 2002 йилнинг декабрь ойида 2003-2005, шунингдек, 2006-2010 йилларда республика фуқароларининг ташқи меҳнат миграцияси дастурлари ишлаб чиқилди.¹¹

Тожикистон Республикасининг 2016 йилда қабул қилинган Миллий ривожланиш стратегиясида (*HCP 2030*) ташқи миграция асосий йўналишлардан бири сифати киритилган. Унга кўра, 2030 йилга келиб, ички даромадни 3,5 бараваргача ошириш ҳамда қашшоқликни тенг ярмига камайтириш, ташқи меҳнат миграциясини диверсификация қилиш, шу жумладан “gender” нуктаи назаридан ва мигрантларнинг қайтишини Давлат томонидан тартибга солиш белгиланган.¹² Шунингдек, мазкур стратегияда мамлакатдаги ижтимоий тенгизликин камайтириш ва барча учун бирдек имкониятларни яратиш, таълим, касб-хунар самарадорлигини ошириш, бандлик соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш назарда тутилган.

Мамлакат ҳудудида доимий равишда мутасадди идоралар томонидан “Бандлик соҳасидаги қонунчилигини ривожлантириш” мавзусидаги давра сухбатлари ташкиллаштирилиб, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда саноат объектларининг очилиши аҳолини ўрганиш йўлга қўйилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Тожикистон ҳукуматининг меҳнат миграциясига оид сиёсати турлича ва бир-бирига зид бўлган. Кўпинча, меҳнат миграцияси ҳукумат томонидан енгиллик сифатида қаралган. Чунки ортиқча ишчи кучининг чиқиб кетиши, албатта, ички ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни енгиллаштириди ва ҳукуматга ишсизлик, қашшоқлик, инфратузилманинг етишмаслиги ҳамда бошқалар каби ўткир муаммоларни маълум вақтга қадар ҳал қилинишига ёрдам берди. Шу сабабли Тожикистон ҳукумати одатда меҳнатнинг оммавий чиқиб кетишини жимгина маъқуллаган ва ҳатто ўzlари ортиқча ишчи кучининг бошқа мамлакатларга кўчирилишига ҳисса қўшган. Шу билан бирга, меҳнат миграцияси қўпинча расмий ҳукумат обрўсига зарар етказмаслиги учун ошкор қилинмаган.¹³

¹⁰. Государственный комитет статистики Республики Таджикистан., 17.02.2010.; О методологии статистического учета внешней трудовой миграции в Республике Таджикистан.; 16.11.2023

¹¹. www.osce.org; Внешняя трудовая миграция и её регулирование.; 16.11.2023

¹². Азиатский Банк Развития.; декабрь 2020.; Усиление поддержки трудовой миграции в Таджикистане.; 64.; 15.11.2023

¹³. www.eurasian-research.org; 2022.; Трудовая миграция и дипломатизация миграции в центральной Азии.; 16.11.2023

Бугунги кунда ушбу йўналишдаги республиканинг замонавий қонунчилиги бир қанча либерал. Миграция соҳасидаги мавжуд норматив ҳукуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида барча халқаро талаблар ҳисобга олинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан ташқи меҳнат хусусан, замонавий миграция жараёнлари бўйича ишлаб чиқилаётган институционал ҳужжатлар, кўп йиллик тажриба ва ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар билан танишиш миллий қонунчиликни такомиллаштиришда ижобий самара беради. Зеро, соҳада қўлланилаётган усулларни тушуниш, заиф томонларини аниқлаш, юзага келаётган муаммолар сабаб, омилларини бартараф этиш орқали ҳар қандай давлат ўз ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиши мумкин.